

ЖАМҚ СЎЗИ


1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 21 октябрь чоршанба
Сотувда эркин нархда № 208 (1998)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 20 октябрь куни "ДЭУ" компаниялари гуруҳи раиси Ким У Жунгни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 20 октябрь куни "ДЭУ" компаниялари гуруҳи раиси Ким У Жунгни қабул қилди.

Жанубий Кореянинг, балки Ўзбекистоннинг ҳам раъзига айланди. Ислам Каримов Ким У Жунгни кувончли воқеа — Жанубий Корея ишбилормонлари уюшмаси раиси этиб сайлангани билан қутлади. Бу лавозимга сайланиши унинг тажрибали инсон, обрўли ишбилормонлигидан дарак беришини таъкидлади.

Сўхбат чоғида ўзаро алоқаларнинг бугунги аҳоли, қўшма корхоналар фаолияти, қўшма лойиҳаларнинг амалга оширилиши жараёни билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди, ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари хусусида фикр алмашилди. Қабул маросимида Бош вазир ўринбосари Б.Ҳамидов, Тошкент шаҳри ҳокими К.Тўлагов, "Ўзвотсанот" уюшмаси раиси Қ.Парпиев иштирок этди.

(ЎЗА)

СУРАТДА: қабул пайти. А. Тўраев ва Р. Жуманиёзов (ЎЗА) олган сурат.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов 20 октябрь куни Швециянинг Ўзбекистондаги Фавкуллда ва Мухтор элчиси С. Хирдмани қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси билан Швеция ўртасида парламентларо алоқаларни кучайтириш, ҳар икки давлат парламентлари вакилларининг ўзаро кенг-роқ тажриба алмашишларини йўлга қўйиш истаги билдирилди.

МАРРА — 42 ЦЕНТНЕР

Шаҳрихон туманидаги Т.Саримсоқов номли жамоа хўжалиги пахтакорлари 2 минг 45 тонналик "оқ олтин" хирмони уйиб, пахта тайёрлаш режасини ба-жарди. Чигит плёнқа остига экилган майдонларнинг ҳар гектаридан ўртача 32 центнердан ҳосил кўтарилди. Ҳали далаларда пахта мўл. Миришкорлар қўшмача 600 тонна пахта топириб, яппи ҳосилдорликни 42 центнерга етказиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

ҚОРАКЎЛЧИЛАР КЕНГАШИ

Конимех туманидаги "Сарибел" жамоа хўжалигида Навоий вилояти қоракўлчиларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Анжуман қатнашчилари чорва туёғини, қўчқорлар турини кўлайтириш, қишга ҳозирлик, жумладан, озуқа тайёрлаш масалаларини муҳокама этдилар. Қишлоқни беталафот ўтказиш учун тегишли миқдорда омухта ем, шунингдек, ёнлиғи-мойлаш материалларини жамғариш зарурлигига эътибор қаратилди. Кенгашда вилоят ҳокими Х.Гафоров сўзга чиқиб, қоракўлчилар олдида турган вазифаларга тўхталди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ
Ш.И. Шоиловни Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавкуллда ва Мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида
Шоқосим Исмонович Шоиловни Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавкуллда ва Мухтор элчиси этиб тайинлансин.
Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
1998 йил 20 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ
Ш.И. Шоиловга Ўзбекистон Республикасининг Фавкуллда ва Мухтор элчиси дипломатик мартабасини бериш тўғрисида
Шоқосим Исмонович Шоиловга Ўзбекистон Республикасининг Фавкуллда ва Мухтор элчиси дипломатик мартабаси берилсин.
Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
1998 йил 20 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ
Ш.Ш. Шохалиловни Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги Фавкуллда ва Мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида
Шомансур Шохалилович Шохалилов Шохалилов бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавкуллда ва Мухтор элчиси вазифасидан озод қилинсин.
Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
1998 йил 20 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ
Ш.Ш. Шохалиловни Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавкуллда ва Мухтор элчиси вазифасидан озод қилиш тўғрисида
Шомансур Шохалилович Шохалилов бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавкуллда ва Мухтор элчиси вазифасидан озод қилинсин.
Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
1998 йил 20 октябрь.

«Давлат тили тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганлигининг 9 йиллигига

Биз бу Қонундан шунинг учун ҳам ифтихор қиламизки, Олий Кенгашимиз уни қабул қилган маҳалда, собиқ империя ҳали йиқилмаган, собиқ компартия, гарчи ичидан дарз кета бошлаган бўлса-да, ҳали отдан тушмаган, у ҳамон қамчисини ситлаб турарди. Тарихий ҳақиқат шундан иборатки, собиқ СССР қарамидаги собиқ республикалар орасида биз давлат тили ҳақидаги Қонунни биринчи бўлиб қабул қилдик. Уша ҳаяжонли кунлар ҳануз ёдимда: қайси тил давлат тили бўлиши керак, ўзбек тилими ёки рус тилими ёхуд ҳар иккала тилга ҳам давлат тили мақоми берилиши керак-ми, — деган муаммо барчаннинг оғзидан, матбуот, радио ва телевидение бу масала бўйича кенг мунозара очган эди. Бутун бу масаланинг қўйи-

лиши ўзи фалати бўлиб туюлади, лекин у маҳалда, собиқ компартия ҳали отдан тушмаган маҳалда, қонун у ёқда турсин, бу масаланинг қўйилиши ўзи хатардан холи эмас эди. Шу боисдан ҳам мунозара давомидида узил-кесил фикр айтолмай, довлдирганлар ҳам, она тилимизга давлат тили мақоми берилишига ошқора қарши чиққанлар ҳам озмунча эмасди. Кейингилар илгари сурган «адил»лар ҳам бутун бизга фалати туюлади: тўё

ТИЛ БАЙРАМИ



ЭЛ БАЙРАМИ

Бугун кўксига истиқлол шабадаси теккан халқимиз она тилимизга давлат мақоми берилган кутлуғ сананинг тўққиз йиллигини чексиз гурур билан кенг нишонламоқда.

бўлса, ўзбек тилининг луғавий бойлиги йитирма-йитирма беш мингдан ошмас эмиш! Албатта, бу «адил»ларнинг ҳаммаси илм ва ҳақиқатдан йироқ, уша давр сиёсатига таъзим бажо келтириб айтилган тугуруқсиз «даъво»лар эди. Бу ҳақиқат мунозара давомидида ҳаммага аён бўлди. Айни замонда тилимизга давлат мақоми беришнинг жуда кўп чигал муаммолари, етти ўлаб бир кесадими, шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайдиган мураккаб жиҳатлари ҳам бор эдики, уларни ҳисобга олмай туриб, бу ишга қўл уриб бўлмасди. Биринчи навбатда давлат тили ҳақидаги Қонун қабул қилинган, бу қонун мамлакатимизда яшаётган бошқа халқлар ва биринчи навбатда рус халқи вакилларининг тили ва миллий гурурини камситмасликни назарда тутиши зарур, барча халқлар тилларининг баробар ривожланишини, ўзбек тилини ўрганиш учун эса етарли муддат ва эркинлик берилишини таъминлаш даркор эди. Ҳаёт шунини кўрсатдики, бундан тўққиз йил муқаддам қабул қилинган Қонунда, бу нозик талабнинг деярлик барчаси ҳисобга олинган экан. Шунинг учун ҳам республикамизда бу қонун ҳеч қандай норозилик ва миллий низоларни туғдирмади.

(Давоми 3-бетда).

УЧ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИБ

Кейинги ўн йилликлар амалиёти шунини кўрсатмоқдаки, ҳар давлат учун тараққиёт йўлининг муваффақиятли ҳаракатининг қатъий шартларидан бири минтақавий ҳамкорликдир. Бунини Россия Президенти Б. Н. Ельциннинг шу йил 11-12 октябрь кунлари Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифи ақулаи ҳам тасдиқлади. Давлатимиз раҳбари И. А. Каримов билан ўтказилган музокаралар, улар натижаларида кўра имзоланган хужжатлар нафақат икки томонлама муносабатлар ривожидида янги истиқболлар очди, икки давлат раҳбарлари Тошкентда Россия Федерациясини, Тожикистон Республикасини ва Ўзбекистон Республикасини ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик тўғрисидаги Декларацияни имзолашди. Аваляроқ И. Ш. Раҳмонов бу хужжатни имзолаган эди. Ушбу хужжат уч мамлакат тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустақамлаш, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим ўрин тутмишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси, Россия Федерацияси ва Тожикистон Республикаси, дейилди Декларацияда, улар ўртасида тарихан шаклланган стратегик шериклик, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларига асосланади, уларга узоқ мuddатли ва барқарор тур беган ҳолда келгуси ривожланиш ва ўзаро савдо-иқтисодий, илмий-техник, гуманитар ва бошқа алоқалар самардорлигини ошириш заруратидан келиб чиқди. Ўз мамлакатларининг мустақам ривожланиш шартининг зарурлиги ҳамда энг маъқул хавфсизлик ва мудофаа қудрати даражасини кўллаб-қувватлашга интилиб, минтақа ва глобал даражада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашни кўриб чиқиб, улар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мақсадлари ва тамойилларига солиқликларини тасдиқлайдилар. Томонлар муҳим тармоқларда молия-санот гуруҳлари, қўшма корхоналар ва ишлаб чиқариш бирлашмаларини ташкил этиш, ишлаб чиқариш ва илмий-технологик кооперациялар, субъектлари ўртасида барча турдаги мулкчиликнинг ҳўжалик тўридан-тўри алоқалар, шунингдек, минтақавий бўйича муносабатларини йўлга қўйиш ва ривожлантиришнинг ҳам қўшганда савдо-иқтисодий, сармоя, қарз-молия ва илмий-техник соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришлари ва чуқурлаштиришлари. Томонлар маданият, таллим, фан, матбуот ва ахборот, соғлиқни сақлаш соҳаларида ўзаро алоқаларни кенгай-

«ОБУНА-99»

РАИС БЕЛНИ МАҲКАМ БОҒЛАДИ

— Обунами? Зўр бўлади, — дейди Кўшработ туманидаги «Оқ тепа» ижара хўжалиги раҳбари Абдуқаҳҳор Ҳазратов



қурапмиз. Кенг сўзини қоплаган ток новдалари гувоҳ бўнга. Шилдираб оқаётган ариқ гувоҳ гапимизга. Боринг ана, уфққа туташ адирлар гувоҳ. Раис бобо шундай деб турибди: — Ука, зўр одам деҳқон бўлади. Яшнагани. Яшнайдми. — Раис бобо, унча-мунча одам ҳам журналист бўлмайди. Сўзга синагани. Маънавий дейди, деҳқон бобомизнинг дилига, тилига тилмоқчи қилади. — Кафтай эрга уруғ қалаб, Оллоҳнинг меҳрига сазовор бўлиб ризқ индириш яхши-да. — Булбулнинг кўзидай кичкинагина мақоласи билан океанни оламан демаян журналист, журналист эмас, раис бобо. — Нима дейсиз, шу кенгликлар, адирлар, сурувлар, боғлар Эргаш Жуманбулбобомизнинг доврўгини дoston қилган, десам. — Тури, тури. — Хуб айтдингиз. Ўзбек-

нинг ҳар бирови шоир, ҳар бирови деҳқон. Зиёлисиям, олимиям, шофёриям, ишчи-сиям, ҳокимиям ернинг боласи—ерни қилади. — Раис бобо, сиз нимани яхши кўрасиз? — Ерни. — Яна-чи? — Тури сўзини, ҳақиқатни. — Яшанг. Узиб-узиб, лўнда-лўнда, дангалига гапирмаган одамдан кўрқиб керак. — Ҳақ гап мушдай бўлади. Лекин тоғни ўпириб кетади. — Раис бобо, ўша ҳақ гапни, чин сўзини элга журналист одам айтиши учун имконият кенгроқ десам ишонасизми? — Ҳа-да. Журналистнинг қўлида қалами бор. Матбуот бор. Шоиримиз айтганлар-ку, тиг етмаган жойни қалам олди, деб. — Қойил. Матбуотни севган, уқитган одам даврни тезроқ тушунади, англайди. — Журналист элдан бир

қадам олдида юриши керак. — Гап газетчиликка буриляпти. Республикамиздаги йирк нашр — «Халқ сўзи»га муносабатингиз қандай? — Жуда яхши. Бунда мен давримизни кўраман. Юрбошимиз олиб бораётган одил сиёсат моҳиятини ўрганаман. Ҳаётимиз билан боғлиқ, бизнинг қисматимизга дахлдор масалалар билан танишман. — Инчинуи? — Мана ер ҳақида, деҳқончилик борасида барча янги гаплар, фикрлар, Президентимиз фармонлари, Олий Мажлис қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари... Булардан беҳабар қолиш энди... ақлга сизмайдиган гап. — Раис бобо, халқингиз тинч. Кўнгли хотиржам. Иқтисоди яхши. Шундай бўлган, обуна ҳақида ҳам тўхтабасан бўлаверарди-да. — Эй, обуна зўр бўлади. Биринчи галда, энг кўп кўрсаткичда «Халқ сўзи»га

обуна бўламиз. Кишиларнинг ижтимоий-сиёсий онгининг ўсишида «Халқ сўзи»нинг ўрни беқийс. — Яшанг, раис бобо. Туман ҳокими Кўшработ халқи 1000 дона «Халқ сўзи»га обуна бўлади, деганди. — Шундан 150 тасини «Оқ тепа»лик меҳнаткашлар олади. — Демак... — Ҳа, 150 дона «Халқ сўзи»га обуна бўлиш ийтимиз бор. — Хуллас, маънавий соҳада ҳам? — Ишимиз беш бўлади. Сўхбатдош: Кўчкор НОРҚОБИЛ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Жаҳон» АА

Шу йил октябрнинг илк кунларида Хоразмдаги шакар заводи ускуналари дастлабки синовдан ўтказилди. Бугунча конвейердан чиққан лаззатли неъмат минг тоннадан ошиб кетди. Бизга ана шу илк маҳсулот яралишини, олдий лавлагидан қуёш нурида ажиб жило берувчи шакар пайдо бўлишини ўз кўзимиз билан кузатиш насиб этди. Уша дақиқалардаги ҳаяжонни сўз билан таърифлаш қийин. Илк маҳсулот олинганда бу ерда ҳозир бўлган кишилар шакарнинг табиғий татиб беихтиёр «Мунча лаззатли!» деб юборишди. Ўз меҳнати билан, пешона тери билан вужудга келган неъмат ширин бўлсинми?! Ўзбекистон ўз шарқига эга бўлди!

Ҳа, бу билан етти-саккиз йил муқаддам ўзимизда шакар ишлаб чиқарилади, дейилса унча-мунча одам ишонмасди. Юртинг келажagini ўйлаб иш юритиш, узокни кўзлаш, не бахти, ширин мевасини бермоқда. Йулбошимиз 1993 йилнинг июни ойида Голландия сафаридан сўнг Хоразм вилоятида бўлганларида «Энди четдан озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келишни эмас, уларни ўзимизда мўл-кўл етиштиришни рағбатлантириш керак» деганларида, тез орада қадимий заминда қанд-шакар заводи қурилажagini айтганларида хоразмликлар бениҳоя хурсанд бўлишганди. Зотан, заводнинг айнан шу диёрда барпо этилиши бу ерлик деҳқонларнинг миришкорлигига берилган баҳо эди. Асосий хомашё лавлага бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган кўмир Сурхондардан, оҳак моддаси Жиззах вилоятидан келтирилади (ахир, четдан олинмаган арзимас хомашё узлишни оқибатида йирик иншоотларнинг тўхтаб қолганини бошимиздан кечирди-ку). Қолаверса, Хоразм туманида, Питнак шаҳрида меҳнат ресурслари етарли бўлганлиги қурилиш майдонини танлашда ҳисобга олинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 1996 йил 30 октябрда қабул қилинган «Хоразм вилоятидаги қанд-шакар заводи қурилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра корхона қурилиши мамлакат инвестиция дастурига киритилиши ҳам муҳим омил бўлди.

Чинакам тарихий дамлар. Бунга деҳқон даласидаги лавлагини ортб келган олдий шифёрдан тортиб, мамлакат «Озиқ-овқат sanoati» уюмчаси раҳбарларига — шу буюк ишга дахлдор ҳар бир ватандошимиз гувоҳ.



Келинг, ушбу корхона нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда тенги йўқлиги боис, шакарнинг қай тарзда олинишига оид жараёни батафсил гапириб берайлик. Корхона ҳовлисида қирган машина дастлаб лаборатория

қаршисида тўхтади. Махсус мослама лавлагининг 5-6 жойидан намуна олиб ўлчагандан сўнг идишга ағдаради. Санокли сониялар ичида чириган қисмлар, ифлос бўлақлар олиб ташланади, тоза қисми яна тарозига қўйилади. Компьютер бир лаҳзадаёқ қанча фой

дан чиққан маҳсулот шакар ҳосил қилиш пехида сузилади. Сўнг яна вакуум қозонларда пишириш жараёни давом эттирилиб, сироп таркибидagi шакар миқдори 90-92 фоизга етказилади. Қиём даражасига етган маҳсулот учта идишга солиниб, ара-лаштиригич ёрдамида ҳара-

рипов. Маълумоти химик-технолог. Илгари Урганч ёғ-экстракция заводида ишлаган. Ҳозир смена бошлиғи. Янги ишга ўрганишга беш ярим ой кифоя қилди. Бош технологимиз Арслонбек Абдурасулов ҳам ёш. Камолдин Абдурахимов, Жаҳонгир Давлатов, Исломбой

одамлари эндиликда тайёр маҳсулотга эга бўлиш орқали мўмай даромад олиш мумкинлигига дилдан ишонч ҳосил қилишяпти. Бизга қуйидаги ҳисоб-китобни тақдим этишди. Бир тонна лавлага хўжаликлардан 3760 сўмга олинади. Шунча илдиэмевадан камида 110 килограмм шакар, 45 килограмм меласса (хамиртурушнинг асосий таркибий қисми), 350 килограмм жом (чорва озуқаси) олиш мумкин. Албатта, бу ерда транспорт харажати ва бошқа сарфийётлар бор, лекин тайёр маҳсулот анча-мунча фойда келтириши нақд.



ХОРАЗМ ШАКАРИ

дастурхонимизга зийнат, иқтисодиётимизга қувват бўлади

чегириш кераклигини кўрсатади. Биз гувоҳ бўлган машинадаги маҳсулотнинг 13,6 фоизи чегирилиш қайд қилинди. Лавлага омборига маҳсулот хирмон қилиб уюлади, сўнг сув босими остида ариққа ҳайдалади. Нишаб ариқда оқиб келган лавлага иккита шлюз орқали насослар воситасида юқори — ювиш жойига олиб чиқилади.



Кенжаев, Қадамбой Эржаев, Шомил Табиев каби ёш мутахассисларимиз қисқа муддатда касб сирларини эгаллаб олишди.

— Ўзбек йигитлари зийрак экан, — дейди «Турк шекар энд юксель иншаат» консорциуми бош менежери Ехта Эргуль, — бугуноқ мустақил ишга тайёр бўлишди.

Бу ерда лавлага ўтушлагич ва тошушлагич мосламаларидан икки марта ўтади, сўнгра илдиэмевадан учти қисми кесиб ташланади. Резервуарга тушган лавлага яна сувда тозаланиб, тасмалар орқали юқорига олиб чиқилади. Тўртинчи қават даражасида жойлашган бункерда ёнма-ён бешта машина лавлагини қирқади. Бу ердан диффузаторга ўтган хомашё маълум миқдорда пиширилиб, иккита — сироп ва жом қисмларига ажралади. Жом чорва учун емиш тайёрлашда ишлатилса, сироп таркибидagi зарарли моддалар оҳак сути қўйиш орқали ажратиб олинади. Арашлагиргичга тушган сиропга карбонат ангидридга билин ишлов берилгач, калций карбонат чўкмаси ҳосил қилинади. Шундан сўнг маҳсулот декантор ускунасида тиндирилади. Лойқа қисми чиқариб ташланиб, юқоридagi тоза қисми кейинги жараёнга узатилади. Бу ерда учта қопли сузгичдан ўтказилгач, экпондер мосламаси билан яна кетма-кет турган етти қозонга узатилади. Биринчи қозон (ҳарорати 138 даража)да таркибидagi шакар миқдори буғлатиш ҳисобига кўпайтирилади. Охириги қозон (ҳарорати 98 даража)-

катта келтирилгач, тўртта идишда шакар ҳолатига келтирилади. Қуришиш мосламаси ёрдамида маҳсулотдан сув билан бирга шакар чанги ажратиб олинади. Бу ерда омухта қилиб пиширилгач, тайёр маҳсулот бункер орқали қопларга 50 килограммдан келиб тушади.

Бу жараёнлар тўлиқ бўлиб, олтари етарли малакага эга мутахассислар кузатиб туришади. Четдан қараганда, мўъжизадай туюлган ҳолат бу ердаги ходимлар учун олдий юмушга айланиб бормоқда.

— Биз асосан ёшларга таяниб ишляпмиз, — дейди завод директори Қувондиқ Каримов. — Уларнинг аксарияти Туркия ва Украина давлатларидаги шакар заводларида тажриба ўрганиб келишди. Мен ўзим Украинанинг 19 та корхонасида (бу мамлакатда жами 192 та завод мавжуд) иш ўргандим. Шартномада кўрсатилган икки йиллик муддат тугагач, Туркиядан келган мутахассислар заводни тарқ этишадди. Корхона тақдирини ёшларимиз қўлади.

Биз директордан ана шу ёшлар билан таништиришни сўрадик.

— Марҳамат, эндигина 25 ёшга қирган Шухрат Маша-

Узоқ йиллар хомашё ўлкаси саналган юртимиз

одамлари эндиликда тайёр маҳсулотга эга бўлиш орқали мўмай даромад олиш мумкинлигига дилдан ишонч ҳосил қилишяпти. Бизга қуйидаги ҳисоб-китобни тақдим этишди. Бир тонна лавлага хўжаликлардан 3760 сўмга олинади. Шунча илдиэмевадан камида 110 килограмм шакар, 45 килограмм меласса (хамиртурушнинг асосий таркибий қисми), 350 килограмм жом (чорва озуқаси) олиш мумкин. Албатта, бу ерда транспорт харажати ва бошқа сарфийётлар бор, лекин тайёр маҳсулот анча-мунча фойда келтириши нақд.

— Ўзбек йигитлари зийрак экан, — дейди «Турк шекар энд юксель иншаат» консорциуми бош менежери Ехта Эргуль, — бугуноқ мустақил ишга тайёр бўлишди.

— Биз асосан ёшларга таяниб ишляпмиз, — дейди завод директори Қувондиқ Каримов. — Уларнинг аксарияти Туркия ва Украина давлатларидаги шакар заводларида тажриба ўрганиб келишди. Мен ўзим Украинанинг 19 та корхонасида (бу мамлакатда жами 192 та завод мавжуд) иш ўргандим. Шартномада кўрсатилган икки йиллик муддат тугагач, Туркиядан келган мутахассислар заводни тарқ этишадди. Корхона тақдирини ёшларимиз қўлади.

— Биз асосан ёшларга таяниб ишляпмиз, — дейди завод директори Қувондиқ Каримов. — Уларнинг аксарияти Туркия ва Украина давлатларидаги шакар заводларида тажриба ўрганиб келишди. Мен ўзим Украинанинг 19 та корхонасида (бу мамлакатда жами 192 та завод мавжуд) иш ўргандим. Шартномада кўрсатилган икки йиллик муддат тугагач, Туркиядан келган мутахассислар заводни тарқ этишадди. Корхона тақдирини ёшларимиз қўлади.

— Биз асосан ёшларга таяниб ишляпмиз, — дейди завод директори Қувондиқ Каримов. — Уларнинг аксарияти Туркия ва Украина давлатларидаги шакар заводларида тажриба ўрганиб келишди. Мен ўзим Украинанинг 19 та корхонасида (бу мамлакатда жами 192 та завод мавжуд) иш ўргандим. Шартномада кўрсатилган икки йиллик муддат тугагач, Туркиядан келган мутахассислар заводни тарқ этишадди. Корхона тақдирини ёшларимиз қўлади.


— Биз асосан ёшларга таяниб ишляпмиз, — дейди завод директори Қувондиқ Каримов. — Уларнинг аксарияти Туркия ва Украина давлатларидаги шакар заводларида тажриба ўрганиб келишди. Мен ўзим Украинанинг 19 та корхонасида (бу мамлакатда жами 192 та завод мавжуд) иш ўргандим. Шартномада кўрсатилган икки йиллик муддат тугагач, Туркиядан келган мутахассислар заводни тарқ этишадди. Корхона тақдирини ёшларимиз қўлади.

ҚУЁШ ҚУВВАТИ

Кейинги кунларда Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг Нукус шаҳридаги тўққиз қаватли иморати томида Россия аэрокосмонавтика институти жамоаси ижодли маҳсули бўлган «Молинос-250» ускунасини кўриш мумкин бўлиб қолди.

Қуёш ва шамол қувватини электр қувватига айлантириб берадиган ушбу мослама бу жойга «Орол ва Амударёни ҳимоя қилиш иттифоқи» халқаро жамоатчилиги ташкилоти аъзолари томонидан ўрнатилди.

МАҲСУЛОТНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ ХОРИЖГА



Ҳайитқо Абдусодиқ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тохиржон ҲАМРОҚУЛОВ олан суратлар.

Янгиқўрган боддорчилик ва сабаботчиликка иқтисослашган туманлардан биридир. Бу ерда етиштириладиган мева-сабабот маҳсулотлари ҳосилдорлиги ва маънавийлиги билан ажралиб туради. Ана шу боис ҳам швейцариялик тадбиркорлар бу ерда кунига юз тонна олмини қайта ишлайдиган қўшма корхона қуришга ҳеч иккиланмадилар. Аяни қунда қўшма корхонадан ундан зиёд турли мева шараблари ишлаб чиқарилоқда. Жаҳон талаблари асосида қилоқланаётган бу маҳсулотларнинг асосий қисми хорижга сотилапти.

БУГУННИНГ МАВЗУСИ ТЎЛОВЛАР ЎЗ ВАҚТИДА ТУШИШИ ЛОЗИМ

Мамлакатимизда амалга ошириладиган иқтисодий ислохотлар ҳал қилувчи босқичга қадам қўйди. Турли мулкчилик шаклларида асосланган замонавий бозор шароитида ҳисоб-китоб ишларини тўғри ва оқилона ташкил этиш, пул маблағлари айланганини жадаллаштириш, табиийки, барча соҳада тўлов иттизомини таъминлаш муҳим аҳамият касб этиши ўз-ўзидан маълум. Эеро, Президентимиз таъкидлаганидек, давлат иттизоми — тўлов иттизомидан бошланади. Буни қанчалик тез англаб етсак, ўзимиз учун ҳам, жаҳониятимиз учун ҳам ишчилик фойда.

Замон чархпалаги шиддат билан айланапти. Мустақил республикамизнинг иқтисодий салоҳияти юксалиб, экспорт имкониятлари кенгайиб бораётганлиги айни мўлдоир. Бугунги ҳаётини манфатлар банк-молия, пул-кредит соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштиришни, ягона тўлов иттизомини шакллантиришни тақозо этмоқда. Вазирилар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Тўлов балансининг даромад қисми тўлиқ ва ўз вақтида тўлдирилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор айнан ана шундай мақсадни кўзда тутди. Таъкидлаш керакки, ҳозиргача бизда экспортнинг прогноз ҳажмлари сўзсиз бажарилиши, боғжона чегаралари орқали ўтдирилган экспорт-импорт товарлари тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ ва ишончли ҳисобга олиниши, хорижий валютадаги тўловлар ўз вақтида тушиши устидан доимий ва барқарор назорат йўлга қўйилмаган эди. Қарорда Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан тузилган экспорт шартномаларининг ижроси мониторингини ўтказиш тартиби кўзда тутилганки, бу ташқи савдо оборотини яхшилаш, иқтисодиётимизнинг валюта захираларини кўпайтиришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Тўлов балансининг даромад қисми ўз вақтида тўлдирилишини таъминлаш мақсадида 1999 йил 1 январдан бошлаб, товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти ва импорти, шунингдек, экспорт-импорт операцияларида валюта маблағлари харажати бўйича ташқи иқтисодий фаолиятнинг мўддатли ойлик дав-

лат статистика ҳисоботи юритилдиган бўлди ҳамда унинг мақбул шакллари тасдиқланди. Қарор ижросини таъминлаш борасида Давлат боғжона қимчаси, ваколатли банклар, вазирилар, идоралар, ташкилот ҳамда корхоналар раҳбарлари зиммасига алоҳида масъулият юклатилган. Яъни, улар ташқи савдо фаолиятини оид ахборотларни статистика муассасаси билан ўз вақтида етказиш билан бирга, ушбу маълумотларнинг реаллиги ва ишончлилиги учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ шахсан жавобгардирлар. Давлат статистика ҳисоботи шакллари ҳамда уларни тўлдириш бўйича йўриқномалар, тўлов баланси параметрларини тақдим этиш ва шакллантириш тартиби алоқадор вазирилар, ташкилотлар томонидан ишлаб чиқиши назарда тутилди.

Фақат шунга эмас. Мазкур ҳужжатда ваколатли банклар томонидан экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш, хорижий валюта тушуми ва унинг савдоси устидан қатъий назоратни ташкил этиш, ташқи савдо фаолиятини оид ягона ахборот-электрон тизимини ишлаб чиқиш масалаларига ҳам катта ўрин берилган. Республикаси иқтисодий салоҳиятини янада ошириш мақсадида шу йил 1 ноябрдан бошлаб идоралар, ташкилотлар, корхоналар ҳамда ваколатли банклар бўйича экспорт-импорт операциялари прогноз кўрсаткичлари бажарилиши ҳамда валюта тушуми мажбурий сотилишининг ойлик мониторингини жорий этишга қарор қилинди. Бу ишни Марказий банк, Макроиқтисодий ва статистика, Молия ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирилар

биргаликда амалга ошириладир. Маълумки, бозор конъюктурасини савдодаги талаб ва таклиф белгилайди. Турли мол ва товарлар, ишлар ва хизматлар қийматига оид нарх-навонинг кўтарилиб, тушиб туриши ҳам шундан. Бозор қонунлари мамлакатимизнинг экспорт имкониятларини ошириши, ташқи савдо оборотини янада кенгайтиришнинг тақозо этмоқда. Бунинг учун хорижий сармояларни кўпроқ ишлаб чиқаришга йўналтириш, сифатли ва рақобатоб маҳсулот тайёрлаш, ҳар бир меҳнат жамоасида буюртмалар «портфели»ни шакллантириш лозим. Қарорда корхоналарнинг экспортга мўлжалланган товарлар ишлаб чиқаришга иқтисослаштириш, минтақавий ва халқаро бозор конъюктурасини, талаб, нарх-наво ҳамда эҳтиёжларни ўрганиш, ишлар ва хизматлар бўйича прогнозларни аниқлаш юзасидан тегишли вазирилар ҳамда ташкилотлар зиммасига аниқ вазирилар юклатилган. Бу масалаларнинг ҳал этилиши мустақил республикамиз манфаатларига тўла мос бўлиб, пировадга натижада унинг иқтисодий қудратини янада оширишга, жаҳон ҳам-жаҳониятидан мустақам ўрин эгаллашга хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, Вазирилар Маҳкамасининг мазкур қарори мамлакатимизда банк-молия тизимини ислох қилиш, тўлов иттизоми тақомиллаштиришга қаратилган муҳим ва қимматли ҳужжатдир.

Носир ТОШЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ХУНАРДАН УНАР

Наманган вилоятида айни пайтда ўрта-маҳсус, касб-хўнар таълими бошқармаси таркибида 18 та ўрта маҳсус, 38 та касб-хўнар таълими ўқув юртилари фаолият кўрсатмоқда. Бу ўқув муассасаларида 34 миң нафар йиллик ўқувчилар ва йўналишлар бўйича таълим олоқчилар. Шу вақтинг йили ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлар, хўжалик, умуман, халқ ҳўжалигининг барча соҳалари бўйича ўрта-маҳсус ўқув юртилари билан тузилган шартномага асосан 5080 нафар касб-хўнар таълими ўқув юртиларида эди 9000 нафар малакали ишчи тайёрланди. Ҳозир уларнинг ҳаммаси ўз муассасалари бўйича турли соҳаларда меҳнат қилмоқда. Малакали мутахассис-қадрлар тайёрлашда Наманган, Учқўрғон туманларидаги иқтисодий ва табиғийлик коллежлари, Наманган тўқимачилик билим юрти, Пул, Чортоқ, Косонсой туманларидаги касб-хўнар лицейлари селмоқчи ҳисса қўлишар.

А. МАДАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ХОТИРА СОҲИБҚОНЛАР САРДОРИ

Тупроғи зар, суви кавсар Ўзбекистонимиз бог-роғлар ўлкасига айланиб бораётган экан, богдорчилик бирожини бу соҳанинг тамал тошини қўйган Ризамат Мусамухамедов каби миришкорларсиз тасаввур қилиб бўлмайд.

Кейинчалик Ризамат ота республикамиз вилоятларига тез-тез қаниб, у ерларда кўргазмалли бог ташкил қилишни олат қилиб олди. Дов-даррахт қўқармайди, деб нолиб келинган Мирзачўл ерларида ўзи бош-қоқ бўлиб, бог-роғлар яратди. Ризамат отанинг кутул қадими Қорақалпоғистонга, Бухоро ва Қашқадар вилоятларига ҳам етиб бориб, шўрхок ва кум-лоқ ерларда ҳам ҳосилдор боглар, тоқзорлар ташкил этилди. Ана шу тадбирларни амалга оширишда соҳибқон олимлар билан ҳамкорлик, ҳамжиҳатликда иш юритди.

Саҳий қалби соҳибқор яратган узум навларини айтмайсизми? Ҳар ғужуми салномақли тош босадиган, ширинликда тенги йўқ бир неча узум навлари кеңг майдонларга экилди.

Ризамат ота тоққа шакл бериш, кесин, қайта тиклаш ва узумзорлар ташкил этишнинг янги истиқболли усулларини ишлаб чиққан миришкор сифатида беҳуд қадрдир. У яратган зироятчилик қонун-қондалари бугунги кунда ҳам тоқчиликда кенг қўлланилаети.

Техника воситаларидан кенг фойдаланиладиган янги йўналишдаги тоқчилик учун бундай усул унга қўл келмас эди.

Устоз богбон биринчи марта санаот аҳамиятига эга бўлган йирик тоқзорларда қўлланишга мўлжалланган воиш (тоқни сўрида устириш) усулини жорий қилди.

Соҳибқор бу билан чегараланиб қолмай, изланишда давом этди. Кейинчалик қатор ораларини ишлашнинг имкони борича кўпроқ механизациялаш зарурлигини эътиборга олган ҳолда воиш усулини бирмунча ўзгартириб, тоқни қўшқаторлаб экишни йўлга қўйди. Тоқни қалпоқли симбағаз ва тик симбағазларда устириш усулларининг кашфиёти ҳам Ризамат ота эди. Новдалари узн қўшқорли кесилдиган ҳамма навлар ана шу усул билан устириладиган бўлди.

Бунда узум узиш анча осонлашади, қатор ораларини машинада юмшатиш, қўл меҳнатини анча камайтириш имкони тузилади. Кўк новдалари ҳамма жойга бир текис тараш ва бойлаш каби юмушлар осон бажарилади.

Ортиқали ТИЛОВБЕРДИЕВ.

«Давлат тили тўғрисида»ги қонун қабул қилинганлигининг 9 йиллигига

(Давоми. Боши 1-бетда)
Айни замонда яна шу қонун сабаб жонажон она тилимиз, худди қафасдан қўтилган қўшдай қанот ёзиб кўкка парвоз қилди. Кўп йиллик асоратдан кейин тилимизга берилган бу эрк, бу ҳуқуқ халқимиз кўнглини тоғдай кўтарди, у мустақилликка эришиши-мизда бебаҳо хизмат қилди, собиқ империя асорати сабаб дол бўлиб қолган қадимизни тиклашимиз ва ахир пировардида мустақиллигимиз пойдеворига асос солди.

Бу ҳақда саволга мен шундай жавоб берадими: қонун, шубҳасиз, амалда. У босқичма-босқич бажарил-япти. Унинг амалиётда қўлланилишига ҳеч бир тўсқинлик йўқ. Бу жараён-нинг амалиётда тўла рўёбга чиқиши кўп жиҳатдан ўзи-ларидан, умуман аҳоли орасида ҳам ўзбек тилига қизи-қиш ортиб бораёпти. Дав-лат тилини ўрганиш учун ҳамма шарт-шароитлар мав-жуд, ҳатто саноятимизда хиз-мат қилаётган инженер-тех-ник ходимлар орасида ҳам ўзбек тилига қизиқиш кат-

қандай чиройли ҳол: ва-зирлик ходимларининг анча қисми рус ва бошқа миллат вакиллари. Аммо Давлат қонуни ва Давлат тилига ҳурматлари баланд. Нега? Чунки вазирилик раҳ-барлари ўз ходимлари ора-сида жуда яхши иш олиб боришган, тарғибот-таш-виқот ишларини тўғри йўлга қўйишган, энг му-ҳими — ўзлари ҳам бу ма-саллада ҳаммага намуна бўлишган! Энди бунинг тескарисини кўрсатувчи мисол: Меҳнат вазирилиги! Бу вазирилик ходимлари-нинг аксар қисми ўзимиз-дан, маҳаллий аҳолидан иборат. Аммо ёзишмалар доим ҳам давлат тилида эмас. Зеро юртбошимиз ҳар нутқида, ҳар бир кат-та анжуманда миллий иф-тихор ва миллий гурурни кучайтириш ҳақида гапир-моқдалар. Ҳолбуки бу гурурни шакллантирувчи, не азоблар билан эриш-ган мустақиллигимиз қад-рини билгунча не-не чи-ғирлардан ўтмадик, не-не тўхмат ва бўҳтонларга учрамадик! Уйласам, ҳаёл олиб қоладим.

Ҳа, биз оғир даврларни ҳам бошимиздан кечирдик. Эндиликда биз жаҳон тан олган давлат, жаҳон ҳур-мат қилган миллат дара-жасига кўтарилдик. Ва бу ҳурматга сазовор бўлишда она тилимиз бизга суян-чиқ бўлди. Шунинг учун ҳам биз бутун она тили-мизга Давлат тили мақо-ми берилган кунни чек-сиз қувонч ва ифтихор бил-ан байрам қилишга ҳақли-миз.

Байрамнинг қутлуг бўлсин, азиз юртдошлар!
Одил ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон халқ
ёзувчиси, Вазирилар
Маҳкамаси ҳузуридаги
отамашунослик
қўмитасининг раиси.

ТИЛ БАЙРАМИ —



ЭЛ БАЙРАМИ

мат қилгани ҳолда, мамла-катимизда яшовчи бошқа миллат вакилларининг ўзбек тилини ўрганиши учун катта энгилликлар туғдирди. Жумладан, ўзбек тилини ўрганиш муддати узайтирил-ди, раҳбар ходимлар тилини билиши шарт, дейилган моддалар тушириб қолди-рилди ва ҳоказо. Бунинг ҳам-маси мамлакатимиздаги миллатлараро муносабат-ларни мустаҳкамлади, май-да-чуйда гаплар, ганимлар тўхмати ва бўҳтонларга чек қўйди.

Шу муносабат билан, та-бийки, «Республикамиздаги ўзбек тили давлат тилидир», деган қонун қандай амалга ошапти, қандай бажариля-пти?» деган савол туғилади.

булишни қўлаб келган эди-лар. Беадал шукрлар бўлсинки, истиқлол туғайли тилимизни, дилимизни, урф-одатларимиз-ни, маънавий қадриятларимиз-ни сақлаб, асраб-авайлаб, улар-нинг азалий мазмуни ва кул-ратини тиклашга ўтдик. Лисо-нимизга давлат тили мақоми берилди. Мустақиллигимиз кўзгуси — Конституциями-зининг 4-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир» деб ёзиб қўйил-ган. Мамлакатимизда вужудга келган янги ижтимоий-сиёсий шароитга кўра давлат тили ҳақидаги қонуннинг янги таҳ-рири қабул қилинди.

Истиқлол нъммати — давлат тили ҳақидаги қонун шарофат-ти билан неча ўн йиллардан буюн ўзимиз, ўзгилгимиз каби камситиб келинган она тили-мизга қайтиш ҳужжатлари-нинг халқ тилида аниқ ва лўнда ёзилиши ижтимоий ҳаё-да муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, бажарилмаган ҳар бир катта ёки кичик ишнинг маз-мун-моҳияти шу ҳужжатларда ўз аксини топади. Бу борада ҳам улкан тадбирлар амалга оширилди. Давлат тили тўғри-сидаги қонунда жойлардаги ҳар бир муассаса, корхона, бирла-ша ва бошқа ташкилотларда иш давлат тилида юритилиши, иш

қоғозларининг матнлари ўзбек тилида бўлиши алоҳида кўрсатиб ўтилган. Шунинг айтиш керакки, ило-раларда ёзишмаларни давлат тилида олиб боришга ҳамма жойда ҳам етарли эътибор бери-лаётми, деб бўлмайди. Бу баъзи алоқа бўлимлари, нота-риал идоралар фаолиятида ай-ниқча кўзга ташланмоқда. Ай-рич муассаса, ташкилот ва жа-моат бирлашмаларининг муҳ-лари, иш қорозларини юритиш ҳамон давлат тилига ўтказил-маган. Мустақиллигимиз ман-фаатларига зид топономик ном-ларни ўзгартириш буйича ул-кан ишлар бажарилган бўлса-да, бу борада ҳам талайгина камчиликлар мавжуд. Уларга тезда барҳам бериш аини му-даво бўлур эди. Зотан, давлат тили тўғрисидаги қонун талаб-ларининг барча жабҳаларда тўлиқ рўёбга чиқарилиши

одамларни тарихимиз, мил-лий қадриятларимиз ва тили-мизга ҳурмат руҳида тарбия-лаш имконини беради. Юртбошимиз неча бор таъ-кидланганлардек, бирон-бир жа-мият маънавий имконият-ларини, одамлар онгда маъ-навий ва ахлоқий қадриятлар-ни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб, ўз ис-тиқболини тасаввур эта ол-майди. Шу маънода неча минг йиллик маданият-маъри-фий, миллий қадриятларимиз каби она тилимиз ҳам халқи-миз учун қудратли маънавий-ят манбаи бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Ягона Ватан ва ягона тил-га мансублик халқимиз қал-бига чексиз ифтихор ва гурур бағишлайди.
Ёқуб ИБРОҲИМОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

«БОРЛИГИМИЗ ОИНАИ ҲАЁТИ»

Халқимизнинг ардоқли фарзанди, улугъ маърифатлар-вар шоир Абдулла Авлоний, ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган оинаи ҳаёти тил ва адабиёт-дир. Миллий тилин йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмак-дур, деган эди. Дарҳақиқат, биз бир юз ўттиз йилдан кўпроқ давом этган мустақиллик даври-да, айниқса шўро замонида «миллий тилин сақламак бир тарафда турсув, кундан-кун унутмак ва йўқотмак» эдик. Зеро, «қизил империя» маф-курасининг асосий тиги аввало халқнинг тилини жароҳат-лашга, миллатимиз руҳини сундиришга, тобе қилишга қаратилган эди. Чунки, мус-тамлақачилар ҳамма шу йўл билан улқамизнинг беҳисоб бойликларига осонликча эга

булишни қўлаб келган эди-лар. Беадал шукрлар бўлсинки, истиқлол туғайли тилимизни, дилимизни, урф-одатларимиз-ни, маънавий қадриятларимиз-ни сақлаб, асраб-авайлаб, улар-нинг азалий мазмуни ва кул-ратини тиклашга ўтдик. Лисо-нимизга давлат тили мақоми берилди. Мустақиллигимиз кўзгуси — Конституциями-зининг 4-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир» деб ёзиб қўйил-ган. Мамлакатимизда вужудга келган янги ижтимоий-сиёсий шароитга кўра давлат тили ҳақидаги қонуннинг янги таҳ-рири қабул қилинди.

Истиқлол нъммати — давлат тили ҳақидаги қонун шарофат-ти билан неча ўн йиллардан буюн ўзимиз, ўзгилгимиз каби камситиб келинган она тили-мизга қайтиш ҳужжатлари-нинг халқ тилида аниқ ва лўнда ёзилиши ижтимоий ҳаё-да муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, бажарилмаган ҳар бир катта ёки кичик ишнинг маз-мун-моҳияти шу ҳужжатларда ўз аксини топади. Бу борада ҳам улкан тадбирлар амалга оширилди. Давлат тили тўғри-сидаги қонунда жойлардаги ҳар бир муассаса, корхона, бирла-ша ва бошқа ташкилотларда иш давлат тилида юритилиши, иш

қоғозларининг матнлари ўзбек тилида бўлиши алоҳида кўрсатиб ўтилган. Шунинг айтиш керакки, ило-раларда ёзишмаларни давлат тилида олиб боришга ҳамма жойда ҳам етарли эътибор бери-лаётми, деб бўлмайди. Бу баъзи алоқа бўлимлари, нота-риал идоралар фаолиятида ай-ниқча кўзга ташланмоқда. Ай-рич муассаса, ташкилот ва жа-моат бирлашмаларининг муҳ-лари, иш қорозларини юритиш ҳамон давлат тилига ўтказил-маган. Мустақиллигимиз ман-фаатларига зид топономик ном-ларни ўзгартириш буйича ул-кан ишлар бажарилган бўлса-да, бу борада ҳам талайгина камчиликлар мавжуд. Уларга тезда барҳам бериш аини му-даво бўлур эди. Зотан, давлат тили тўғрисидаги қонун талаб-ларининг барча жабҳаларда тўлиқ рўёбга чиқарилиши

одамларни тарихимиз, мил-лий қадриятларимиз ва тили-мизга ҳурмат руҳида тарбия-лаш имконини беради. Юртбошимиз неча бор таъ-кидланганлардек, бирон-бир жа-мият маънавий имконият-ларини, одамлар онгда маъ-навий ва ахлоқий қадриятлар-ни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб, ўз ис-тиқболини тасаввур эта ол-майди. Шу маънода неча минг йиллик маданият-маъри-фий, миллий қадриятларимиз каби она тилимиз ҳам халқи-миз учун қудратли маънавий-ят манбаи бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

ДУНЁ ДАРАКЛАРИ
ТЕЗКОР ШАРҲ
ГЕНЕРАЛ ПИНОЧЕТ ХИБСГА ОЛИНДИ
Якшанба кўни Лондонда Англия полицияси Чилининг собиқ диктатори, 82 ёшли генерал Аугусто Пиночетни хибсга олди. Дипломатия паспорт билан даволаниш учун Англияга келган собиқ диктатор худсий клиникалардан бирини муолажа олаётган эди. У Испания суд органларининг талаби билан хибсга ушлаб турилди. Мексикага давлат ташрифи билан келган Англия ташқи ишлар давлат вазири Тони Ллойд ҳозир Англия ҳукумати Испания ҳукуматининг А. Пиночетни топшириш ҳақидаги расмий сўровини қутиб турганини айтди.



СУРАТДА: Бельгия кўчалари.

КИСҚА САТРАЛДАР
ИНҚИРОЗ
Таиланд оммавий ахборот воситаларининг маълум қилишича, жорий йилнинг январь ойидан сентябрь ойигача бўлган даврда мамлакатда жами 9543 корхона инқирозга юз тутган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 48 фоиз кўпдир.
ҚАРЗ
Молиявий тангликни бошидан кечиратган Жанубий Корея 2002 йилда бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионати учун қурилажак янги ўйингоҳни бунёд этиш учун Япониядан 100 миллион АҚШ доллари миқдорда қарз сўради, деб хабар беради Хитойнинг СИН-ХУА ахборот маҳкамаси.



Яхши тажриба

МИЛЛИОН СЎМ ДАРОМАД
Мақтаб жамоаси йил давомида миллион сўмдан зиёд даромад олди. Қандай қилиб? Зафаробод туманидаги Амир Темур номи умумтаълим мактабига туман ҳокими қарори билан ўттиз бир гектар ери берилган. Бултур шу ернинг йигирма саккиз гектарида пахта, қолганида галла этиштирилди. Гектаридан 24 центнердан «оқ олтин», салкам эллик центнердан дон олинди.
— Бу йил деҳқончилик тармоғини яна кенгайтирдик, — дейди мактаб директори Деҳқон Салимов. — Пахтага йигирма гектар қолдирик, галлазорни саккиз гектарга кўпайтирдик, қолган майдонда эртаги ва кечки सबзот этиштирдик. Картошка, सबзи, саримсоқ, пизё, помидор, болгар қалампиридан икки марта ҳосил олиб, мактаб ошхонасини йил бўйи таъминлаймиз. Ортганини бозорга олиб чиқамиз.
Еш деҳқонлар бугунгача ўттиз тоннадан зиёд пахта териб олдилар. Мўлжал эллик беш тонна. Шу билан бир вақтда галлага сув қўйиб, майса ундирилди. Улар деҳқончиликдан бу йил буттурга қараганда икки баравар кўп даромад кўтиришти. Фойда эвазига мактабни тўлиқ компьютерлаштириш қўзда тутилган.
Х. НАБИРАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар
ВАҚТИНЧА ИЛОЖИ ЙЎҚ
Анджон, Асака, Кува, Ахтаци, Оламушук, Жалоқудук, Хонобод, Кўргонтепа, Ойим, Хўжаобод, Сузоқ, Уш, Қорасув шаҳар ва туманларидан бир гуруҳ фуқаролардан тахририятга илтимоснома келганди. Унда улар аҳоли учун қулай бўлган 925—926-Анджон—Тошкент йўналишидаги поезд қатнови тўхтатиб қўйилганлиги қатор ноқулайликлар келтириб чиқараётганлигини айтишиб, мазкур поезд ҳаракатини қайта тиклашни илтимос қилиб сўрашган эди.
Ушбу масала буйича «Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳиссасдорлик компаниясидан тегишли жавоб олинди. «Сизларнинг қатор вилоятлар, шу жумладан Сурхондарёда йнгим-терим мавсумини муваффақиятли ўтказишда ҳал қилувчи омил ҳисобланмиш терим машиналарини таъмирлаш ишларидаги камчиликлар очиб ташланганди.
Мазкур мақола юзасидан тахририят жавоб мактуби олди. Сурхондарё вилоят ҳокимининг биринчи муовини—қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасининг бошлиғи жаноб А. Лапасовнинг хабар беришича, «Пахта терими машиналари мавсумга шайми?» сарлавҳали танқидий мақола ташкилот ва идоралар раҳбарлари иштирокида кўриб чиқилди. Мазкур масала буйича махсус буйруқ қабул қилинган. Барча туман ҳамда хўжаликларга мутахассислар юборилиб, камчиликларни тугатиш буйича тегишли чоралар кўрилган. Бу масала доимий назоратта олинган.

ХОСИЛ — 98
«ШўРТАНБОЙ»ЛИК ШОЛИКОРЛАР
Айни кунларда Нукуе туманидаги «Шўртанбой» жамоа хўжалиги далаларида шоли ўрими қизғин давом этмоқда. Уттиздан ортиқ «Мега» комбайнари қорақалпоғистонлик шоликорларининг юмушини енгиб қилмоқда. Шўртанбойликлар тўплаган ҳосилининг асосий қисmini ана шу комбайнлар воситасида йиғиштириб олмақдалар. «Мега» ҳам сифатли ўршичи, ҳам тежамкорлиги билан шоликорларга маъқул тушапти.
Шўртанбойликлар жорий йилда 7422 тонна ҳосил тўплаган учун ҳаракат қилишаёпти.
Суратларда: ўрим пайти; комбайнчилар — Ўринбой Ибрагимов, Азимбой Собиров, Ералди Қутлимуродов ва Бахтиёр Аллониёзов шоли ҳосилини кўздан кечиряёпти.
А. Муротов (ЎЗА) олган суратлар.

— Қурлини давом этган кунларни бир умр унутиб бўлмайди. Изгири пайтлари қурғучилар олов атрофида исиниб ишлаган кунлар ҳам бўлади. Баъзан: «Хашаматли бўлмасан-да, масжид бор эди. Энди ўрнига қурганини қандай бўлар экан» деб ҳайҳамдан ўтказардим. Утган икки ҳайит намозини ҳам бу ерга келсанлар билан очкиди ўқиди. Ушанда барча тўпалаганлар келгуси ҳайит намозини янги қосонада ўқиниб ният қилиб, дуога кўч очинганди. Мана, ниятларимиз рўйга чиқди. Боккиб кўч қуноқиди. Чунки исроилликлар қурган ўйноқи фавворалар, югославияликлар ўрнатган техникавий тизимлар — ҳавони мўтадил сақловчи пурқасичлар, ҳаммаси компьютер орқали бошқарилаётган. Энди шу соҳани биладиган ёшларни ишга оламиз.

ФАВВОРА, ХОВУЗ ВА ЧИРОҚЛАР...

Имом ал-Бухорий масжидининг имоми Усмоҳон Олимовнинг ҳикоясидан:



Утган ойлари ичида қурғучилар, усталар, қурилиш бошқармалари, шаҳарга келиб ишлаган оддий фуқароларга ҳам шунчалик ўрганиб қолдикми, энди улар билан хайрлашди қийин. Бу улкан қосона уни бунёд этганлар қатъанликдан кейин хувиллаб қолгандай гўё. Бир неча марта ҳовуз атрофида туриб ҳамма ёқни кузатдим. Амин бўлдикми, тинчлик бўлса ҳамма нарсга бўларкан. Бу бинога бир гишт қўйган, яхши нияти ўзига ва барчага йўдош бўлганларнинг этиқлигиди, ғайратига тасаннолар айтиш лозим. «Минг қўшчага бир бошчи» деб айтилган ҳикмати, пурмаъно қосонанинг исботини мана шу қурилиш мисолида кўрдим. Президентимиз И. Каримов бу ҳайратомуз, бутун жаҳон мусулмонларига ибрат қилиб кўрсатишга арзийдиган мажмуа қурилишининг ташаббускори ва бош масъулларидан бўлди. Очилган кунни тантанали равишда давлатимизга, ҳукумат раҳбарларининг мана шундай хайрли юмушларига миннатдорчилик билдириб, дуо қилишларига ишончимиз қомил.

Усмоҳон Олимов аввалги масжид ҳовлисидаги шашмакларнинг авайлабгина бошқарилишига ҳайратланган. Уша дараклар меъморчилик санъатининг ёрқин намунаси бўлган янги даргоҳ ҳовлисида буй чўзи. 3 та улкан чинор, унинг совидаги ҳовуз, қўш нурида шишалари кўзни олувчи 3-4 оёқчали чироқлар... Фавворалар-ку, зиёратгоҳга қираверишдаёқ кишига ўзига қайғийиб бахш этади. Ҳовуздаги зилол сув чинор баргларининг аксини бериб жимирлайди. У бутунлай қайроқ тош билан қопланган. Зарафшон дарёсининг оддий тоши ҳам бу гал жуда қўл келди. Масжид ичига пол ўрнига гишт торилган. Айвонларга ҳам. 8

та гумбад атрофидаги илғим ранг таратгандай. Энг катта қандил ҳам масжид шифтига ўрнатилган. Унинг шикиллари чироқ ёруғида ўйноқлаб, хонага янада гузал кўриниш берган.

Туриси, Имом ал-Бухорий масжид-мажмуасига қираверишда сал иккиланиброқ қалам ташлайсиз — оёқ остидаги гиштин поллар шундай ярақлаб турадики, оёқ кийимингиздан гард тўқилса хижолат тортаётгандай бўласиз.

...Икки кўнгина қолди. Чеклақ туманидаги Хартанг қишлоғида мустақил Ўзбекистонимизнинг юксалиш ва ривожланиш китоби саҳифаларига зарқар ҳарфлар билан ёшига арзийдиган оламшумул воқеа рўй берди. Дунёнинг жуда қўпуб мамлакатларидан меҳмонлар салкам 8 ойда қуриб битказилган муқаддас қадимжони ўз кўзлари билан кўришди.

Хартанг қишлоғи аҳолисининг бахти бор экан. Иккинчи Маккага менгизиланган зиёратгоҳини ҳар кун қуриб туришди. Рухлари тетик бўлиб ашашди. Илоҳо, ана шундай руҳи тетиклик ҳалқимизни қўллаб турсин.

Дарвоқе, муқаддас бобоимизнинг қутлуғ таваллуд кунини тантанали равишда «Имом ал-Бухорий» пул-булоқ хайрия лотереяси уйинида ютуққа эга бўлганлар бир умр унутушмайди. Чунки икки кун мобайнида бўлиб ўтган лотерея уйинида «Тико», «Дамас», «Нексия», 2 хонали уй қабил катта ютуқлар эгалари маълум бўлди.

Журналист Дилбар Саломидинова ва «Уст» бирлашмасининг бош директори Жўракул Инонотлар эса бу маҳобатли қурилиш ҳақида махсус китоб тайёрлашмоқда. Китобда усталарнинг меҳнати, уларнинг қимлиги, бинонинг услуби, қурилиш жараёни, хуллас, 8 ойнинг ҳар бир кун қамраб олинди. Ушбу китобнинг Имом ал-Бухорий масжид-мажмуаси каби азият, қадрили бўлишига ишонгим келди.

Гули ЧЕҲРА,
«Халқ сўзи» мухбири.

ШАРҚУ ФАРБНИ ЗАБТ ЭТГАН АЛЛОМА

Турон замин азал-азалдан фан ва маданият маркази, миллий қадриятлар ва маънавият сарҳадисиди, улғу алломалар, олимлар, қалам аҳллари макони бўлиб келган. Асарлар оша дунёга зиё таратиб турган. Фанлар тарихига назар ташласак, дунёвий илмлар неча бор Шарқдан Фарбга тарқалганининг гувоҳи бўламиз.

Илм-фаннинг бошланғич маркази ҳисобланган Юнонистонда мелоддан аввалги У асрда юнон фалсафасининг асосчиларидан Фалес «бутун борлиқнинг асоси сув», Анаксимен — «ҳаво», буюк Гераклит эса — «олов» деб ўз илмий қарашларини тасдиқлашга уринаётганлариди. Шарқнинг буюқ файласуфи, донишманди, оташпарастлик динининг асосчиси, ватандошимиз Зардушт узининг «Авесто» асаридида халқимизнинг мелоддан аввалги икки минг йиллик ҳаётини таърихига таянган ҳолда айнан тўрт унсур — ер, сув, ҳаво ва олов бутун борлиқнинг асоси эканлигини исботлаб берди. Агар кичик Осей ўша пайтларда Юнонистон иқтисодиётида катта аҳамият касб этганини, ўз навбатида ушбу минтақа зардуштийлик дини марказлари бўлган Эрон ва Турон билан иқтисодий, маданий алоқадорлигини ҳисобга олсак, «Авесто» да келтирилган диний, дунёвий фалсафий, табиий илмлар Юнонистонда илм-фаннинг ривожланишига бошланғич туртки бўлганга шубҳа қолмайди. Қолаверса, македониялик Александр Шарқни забт этганда «Авесто»нинг асл нусхасини олиб кетиб, Элладада ўзига керакли жойларини қўриштириб, таржума қилдириб, қолганини ёқиб юборгани ҳам Турон илми юнон илмининг гуллуб-яшнашида асос бўлган, деган фикрини тасдиқлайди. Шу ўринда буюк

Мутахассисларнинг ҳисобларига қараганда, IX-XV асрларда мусулмон оламида 700дан ортиқ номдор олимлар етишиб чиққан бўлиб, улардан беш юз нафари ўрта осийликлардир. Уларни кўпинча Фарбда араб олимлари деб аташган. Чунки ҳаммаси ўша пайтда араб тилида ижод қилганлар. Улар орасида улғу ватандошларимиз Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Қасир ал-Фарғоний ҳам бор эди. Мусулмон оламида илм-фан марказига айланган шаҳарлар сонини унтдан оғтайди. Улардан Марв, Урганч, Бухоро, Самарқанд ўрта Осийда бўлганлиги биз учун фахрланган ҳолдир.

XIII аср охири, IX аср бошларида Бағдод араб халифалигининг маркази бўлиб, халифа Хорун ар-Рашид бобоси ал-Мансур томонидан қурилган Бағдоднинг илм-фан соҳасидаги шухратини янада боғийлади. Угли ал-Мамунни Хуросондаги ноиб қилиб тайинлади. Ал-Мамун Марв шаҳрини ўзига қароргоҳ қилиб, ўрта осийлик олимларини атрофида тўплади. Отаси вафотидан сўнг ҳокимият учун курашда голиб чиққан халифа ал-Мамун барча олимларни ўзи

билан Бағдодга олиб кетди ва 813 йили «Байт ал-Ҳикма» — Бағдод академиясини ташкил этди. Бу академияни ватандошимиз, буюқ аллома Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий бошқарди. 820 йилда ушбу илм-фан марказига Аҳмад ал-Фарғоний ҳам таълим этилиб, у академиянинг астрономия соҳасини бошқарди. Шу ўринда академияда хизматда бўлган олимларнинг кўпчилигини бизнинг ватандошларимиз ташкил этганини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

«Байт ал-Ҳикма» да геометрия, астрономия, геодезия, математика, геометрия ва бошқа аниқ фанлар соҳасида таъкидотлар олиб борилган. Бу соҳада юнон илми чўқур ўрганилиб, араб тилига таржима қилинган бўлиб, бу таъкидотларда ал-Хоразмий билан ёнама ал-Фарғоний ва ўрта Осийдан ал-Марвазий, Халид ибн Абдулмалик ал-Марваррудий, Аббос ибн Саид Жавҳарий иштирок этганлар.

Аҳмад ал-Фарғоний бошчилигида Бағдодда, сўнгра Дамашқда расадхоналар қурилди ва уларда астрономик кузатишлар олиб борилди. Юнон олими Птолемейнинг «Ал-мажистий» асари чўқур ўрганилиб, таржума қилинди, янги кузатишлар асосида бу асрга тузатишлар киритилди, шарҳлар ёзилди. Птолемейнинг олам тузилиши ҳақидаги айрим фикрлари танқид қилинди.

Бағдод расадхонасида кўпгина кашфиётлар қилинди. Аҳмад Фарғоний ернинг думалоқлигини илмий исботлаб берди. Осмон жисмларининг ҳар хил вақтда кузатилиши, туғилиши, уларнинг турли минтақаларда турлича кўринишини тушунириб берди. Олимнинг «Самовий ҳаракатлар ва юлдузлар фанининг мажмуаси ҳақида китоб» асари астрономия соҳасидаги қомусий асар бўлиб, унда фалакит ҳақидаги барча билимлар қамраб олинган. «Ал-Мамуннинг текширилган жадваллари» номи билан машҳур бўлган мажмуа Бағдод ва Дамашқ расадхонасида фаолият кўрсатган олимлар жамоасининг кўп йиллик кузатишлари натижаларидир. Бу асар IX асрда фалакит ва жуғрофия илмига катта таъсир қўрган. Китобнинг ўзи бизгача етиб келма-

ган, аммо унинг асосий мазмуни ва моҳияти Аҳмад ал-Фарғонийнинг юқорида тилга олинган асарларида келтирилган.

Улғу аллома, ватандошимиз Аҳмад ал-Фарғоний фақат назарийчи олим эмас, асл амалиётчи муҳандисдир. Ул зот расадхоналар қурилишига бошчилик қилиш билан бирга уларда ишлатилган янги астрономик кузатиш асбобларини кашф қилган, амалга таъбиқ этган эди. Бу кашфиётлари ҳақидаги маълумотлар «Астролябия ҳақида мукаммал китоб», «Астролябия санъати ҳақида» деган китобларида келтирилган. Хуллас, олим астрономия, география, материал-шунослик ҳақида ҳам унлаб асарлар ёзган.

Ватандош алломалар Бағдодда юнон илмини чўқур ўрганиш ва араб тилига таржима қилиш билангина чегараланиб қолмадилар, балки уларга илмий нукта назардан ижодий ёндашиб таҳлил ва таъкид қилишди, янги далиллар асосида бойитдилар, юнон олимларига нисбатан жазал илгарилар кетдилар. Ватандошларимизнинг юнон олимларидан яна бир муҳим устулғи шунда эдики, улар ҳар қандай илм инсонга хизмат қилиши керак деб ҳисоблаб, туллаган илмларини амалиётга таъбиқ этар эдилар. Юнон файласуфлари эса илмни амалиётга таъбиқ этиш кулларнинг вазифаси, олимлар эса соф илм билан машғул бўлишлари керак, деб ҳисоблаганлар.

Аҳмад ал-Фарғоний астрономик кузатиш асбоб-ускуналарини ясаш билан бирга самовий жисмларни кузатишда шахсан иштирок этган. Олинган натижалар диний байрам, рўза кунлари, беш маҳал намоз вақти ва қиблани аниқлаш, масжидлар қурилиши йўналиши, шаҳарларнинг географик координатларини аниқлаб, деҳқончилик ва чорвачилик ишларини бошлаш ва яқинлаш пайтларидан хабар бериб туриш учун хизмат қилган. Шу ўринда олимнинг Мисрдаги Нил дарёси сувининг сатҳини назорат қилиш учун «миқёс жалид» — нилометри яратганини таъкидлаш зарур. Бу ишшоот катта амалий аҳамиятга эга эди. Чунки дарёдаги сув сатҳининг паст ёки баландлигига қараб соҳилдаги деҳқонларни қуроқчилик ёки сув тошқинидан огоҳ қилиш, табият инжиқликларини туфайли зарар кўрган деҳқонларни соқидан овоз қилиш ёки давлат томонидан ёрдам уюштириш мақсадларига хизмат қилган.

«Миқёс жалид»нинг ишла-



ши физикадаги содда туташ идишлар қонунига асосланган. Қизғин шундаки, физика тарихида туташ идишлар қонунини XVII аср ўрталарида француз олими Блез Паскаль кашф қилган деб ёзиб қўйилган. Бизнинг бобомиз ал-Фарғоний эса бу қонунни IX аср ўрталаридаёқ амалда қўллаб, мисрлик мироб ва деҳқонларнинг оғирини енгил қилган эди. Бу қонундан Беруний ҳам булоқларнинг пайдо бўлиши, фаввораларнинг ишлашини тушуниришда фойдаланган. Паскаль мелоддан аввалги III асрда яшаган Архимеднинг гидростатикага доир қонунларини таҳлил қила туриб, бир неча қонунларни, жумладан, туташ идишлар қонунини ҳам кашф қилган. Бу таққослашлардан қурамызки, Бағдодда юнон илмини ўрганган буюқ аждоқларимиз илмда ва амалда улардан ҳам анча илгарилар кетган. Паскаль Архимеднинггина эмас, балки бобомиз Аҳмад ал-Фарғоний асарларини ҳам ўқиганига шубҳа қилмаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, ўрта асрларда Шарқ илми буюқ болболаримиз асарлари орқали бутун оламни машғул каби яна бир бор ёритди. Биз бундан доим фахрланамиз, албатта. Аммо шунинг ўзига кирфоя эмас. Абу Райҳон Беруний: «Аждоқларининг шухратига суньям, ўзининг ўзинг шухрат топ. Қимдаким обрўли қариндошларига нисбат бериб, уларни востига қилса ва ҳеч нарсга қилмай, фақат улган аждоқлари билан фахрланибгина юрса, ўша кишининг ўзи ўлик ва аждоқлари эса тирик саналади», деб огоҳлантирганлар. Мамлакатимизда бошланган таълим ислоҳоти улғу аллома ўғилларига муносиб жавоб бўлишига шубҳа йўқ. Болболар ўғитига ва илмига амал қилган фарзандлар мустақил Ватанимиз илм-фани шухратини янада оширишига имонимиз қомил.

Бобоқул ЖўРАЕВ,
СамДУ физика факультети доценти.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон Усмонов

Тахрир хайъати:
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир уринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК (бош муҳаррир уринбосари — «Народное слово»),
М. САФАРОВ,
Р. ФАҲОДИЙ,
И. ХУДОЁЕВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Истиқомий-сўйиш ҳаёт — 133-57-34;
Хўж — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85;
Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0413, 27353 нусхалда босилди, ҳажми — 2 табақ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTUM-II компьютерда терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир — Н. ТОШЕВ.
Навбатчи — Т. АБДУРАҲМОНОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАНШАРБЕКОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахрирда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-масбаа концерни бошмахонаси.
Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топишлари — 00.00
1 2 3 4 5 6

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ
«ФАРМОНГА АСОСАН, РИАТБ «ГАЛЛАБАНК» 15 ОКТЯБРЬ ҲОЛАТИГА
РЕЕСТРГА КИРГАН АКЦИЯДОРЛАР УЧУН 1998 ЙИЛ 24 НОЯБРЬ КУНИ
ЎЗИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ АКЦИОНЕРЛАР
УМУМИЙ ЙИГИЛИШНИНГ ЎТКАЗАДИ
ЙИГИЛИШ КҮН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан банк таъсис ва ички меъёрий ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш ҳамда тасдиқлаш:
 - а) янги тахрирдаги банк уставини тасдиқлаш;
 - б) банк кенгаши тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш;
 - в) банк акционерлари умумий йиғилиши тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш;
 - г) банк бошқаруви тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш;
 - д) банк кенгашининг янги таркибини сайлаш;
 - е) тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш;
 - ж) банк кенгаши ва бошқарув раиси ўрнини тасдиқлаш.
2. Банкнинг 9 ойлик фаолияти натижалари тўғрисида.
3. Банк Устав капиталини шакллантириш тўғрисида.
4. Бошқа масалалар.

РИАТБ «Галлабанк» кенгаши.

ЯНГИ ТЕННИС МАЖМУАСИ

Утган йили хоразмлик спортчилардан 16 нафари Ўзбекистон терма жамоалари сафидида калқаро мусобақаларда Ватанимиз шарофитини ҳимоя қилди. Бу йил уларнинг сони 27 кишига етди. Темир Иброҳимов, Алишер Раҳимов, Улғубек Саломов, Алишер Йўлдошев, Абдулла Абдуллаев, Улғубек Маҳмудов, Тоҳир Бобожонов сингари вилоят спорти намоёндаларининг маҳорат ва шижоати спорт мутахассислари ва ихлосмандларига яхши маълум.

Яқинда вилоятда катта теннис билан боғлиқ яна бир муҳим воқеа юз берди. Ўзининг янги меъморий обидалари, кўркам бинолари билан тобора чирой очиб бораётган Урганч шаҳрининг серфайз Шовот канал қирғоғида катта теннис мажмуи фойдаланишга топширилди.

Мажмуанинг умумий сатҳи 5,5 гектарни ташкил этади. Унинг таркибига 1 та ёпиқ, 480 ўринли 1 та очик ҳамда теннисчилар мунтазам машғулланишга ўқитиш учун яна 6 та очик кортлар кирган.

Спортчиларнинг ўйинларида тайёргарлик кўришлари, дам олишлари, узрашувлари таҳлил этишлари ва албатта соғлиқларини мустаҳкамлашлари учун мулкжалланган уч қаватли бино, шунингдек, бассейн, теннис клубининг маъмурий хоналари ҳам бу маскан кўрқига кўрк бахш этиб турибди. Қолаверса, чойхона, спорт анжомлари дуко-

ни, очик эстрада майдони, фаввора, шунингдек, маданий-маърифий тадбирларга мулкжалланган бошқа қулайликлар ҳам мажмуа.

«Жанубгақурилиш», «Урганчтрансгаз», «Хоразмсувқурилиш», «Хоразмжамқурилиш», «Агроқурилиш» трестлари, коммунал хўжалиги ва электромонтаж ташкилотлари, «Хоразмқурилиш» ҳиссадорлик жамияти, «Оролбўйи» яна дирекциясини қурилиш ишларида фаол иштирок этишди. Мажмуа асосан ҳомий ташкилотлар маблағлари, қурувчилар қизмати ҳисобига қад ростилади.

Мажмуанинг Паҳлавон Маҳмуд номи билан аталганлиги ҳам бежиз эмас. Зеро, кураги ерта тегмаган улғу аждошимиз руҳи-покидан малал олган моҳир теннисчилар беллашувлари маҳорат ва шижоат, олийқимматлилик, санолатлик байрамга айлантиришларига умид катта.

Теннис мажмуасининг очилиш маросимида вилоят ҳокими И. Юсупов, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Б. Махситов спортчиларга қизгин беллашувларда муваффақиятлар тилалди. Шунингдек, янги мажмуани бунёд этишда фаол иштирок этган қурувчиларга, мусобақаларда ўз маҳоратларини намойиш этаётган теннисчиларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

С. АВАЗОВ.

«МЕТАЛЛНИ ҚАЙТА ИШЛАШ»

ОЧИК ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

1998 йил 29 октябрь, соат 15-00 да акционерларнинг навбатдан ташқари умумий мажлисини ўтказиш.

Манзилгоҳ: Сағбон кўчаси, 30-тор кўча, 72-уй.

КҮН ТАРТИБИ:

1. «Металлни қайта ишлаш» очик турдаги ҳиссадорлик жамиятини тасдиқлаш ва мажбурий таъсис қилишга ўтказиш.
2. Очик турдаги ҳиссадорлик жамиятини тасдиқлаш ва мажбурий таъсис қилишга ўтказиш бўйича ҳайъат аъзоларини тасдиқлаш.

Акционерлар ўзлари билан сертификат олиб келишлари шарт.

Мажлис қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 14-00 да бошланади.

Кузатув кенгаши.

«Ўзбекиризм» миллий компанияси жамоаси компания раисининг биринчи уринбосари Нельмажон Зокирович Абдуллаевга отаси

Ўзбекистон Республикаси Бизнес-фонди жамоаси фонд бошқаруви раиси, Олий Мажлис депутаты А. Юсуповга укаси Бахтиёр АБДУРАҲМОНОВнинг бевақт вафоти муносабати билан чўқур тазия изҳор қилди ва марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардик билдиради.

Абдуллажон ЗОКИРОВнинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардик билдиради.